



Гўзал кироатнинг 10 усули

Хадиси шарифлардан маълумки, мусулмон киши Куръон тиловат килганда овозини имкон кадар гўзал килиши керак. Гўзал тиловат килиш баъзиларда табиий-тугма кобилият бўлади. Бу дегани, бошқалар чиройли кироат кила олмайдилар

, дегани эмас. Аллох муяссар килган хар кимса тиловатини гўзал килиш имконига эга. Барча ишларда бўлгани каби бу борада ҳам сабаблар

Н инг тадоригини кўриш талаб этилади. Зеро, «Токка чикмасанг

, дўлона ка

й

да

?..

»

Авваламбор:

1. **Куръони Карим тажвидини мукамал ва тўғри шаклда ўрганиш.** Бунда харфларнинг махражи ва сифатларини аниқ билиб олиш ва барча харфларга ўз ҳаққини бериб тиловат қилиш лозим ҳисобланади.

2. **Одатий тарзда тиловат қилиб туриш.** Бу тажвидни яхшилашга хизмат қилади.

3. **Тажвидга мохир қориларни тинглаш ва имкон қадар таклидий услубда ўқиш.** Бу киши ўз кироатини шакллантириб олгунча бўлган босқичдир. Бидамизки, ҳеч ким онадан мукамал-гўзал кироат соҳиби бўлиб тугилмайди. Зеро, таълимда таклидий йўналиш яхши самара беради.

4. **Ўз овозининг йўгон ёки ингичкалигини аниқлаш.** Бу нарса, кироат ҳосил қилишда кимга таклид қилиш
озим
лигини аниқлашга ёрдам беради.

л

5. **Ўз овозини ёзиб тинглаш.** Бу билан тинглашда тажвидий ҳатоларга ҳамда ўзи таклид қилаётган қорининг услубига қай даражада амал қилаётганига аҳамият қаратади.

6. **Нафас машқларини бажариш.** Албатта, товуш, оҳанг ўпқадан чиқаётган ҳаво оқимидан ҳосил бўлади. Бу ҳаво қанчалик етарли ва тўғри идора қилинса, овоз гўзаллашаверади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, соҳа олимлар

и
нинг та

ъ
қидлашича, инсоннинг нафас қопи аслида ўпка эмас

’
балки қорин ҳисобланар экан. Қолаверса

’

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламининг овкатланиш борасида берган тавсияларида бу нарса ўз тасди

г
ини топган.

7. **Овоз аъзоларига ахамият каратиш.** Бунда ўта иссик ва совук ичимликларни истеъмол килишдан сакланиш керак бўлади. Одатий тарзда асал

ни,
зайтун каби таб
и
ий ёгларни истеъмол килиш ҳам яхши фойда беради.

8. **Огиз билан нафас олмаслик.** Огиз билан нафас олиш туфайли томок ва огиз бўшлигининг куриб қолиши натижасида овозда турли муаммолар келиб чиқиши

кузати
лади.

9. **Баланд овозда бакириб тиловат килишдан сакланиш.** Негаки, бу ҳолатда гапириш овоз пайчаларини

нг
каттик
толики
ш
и
га олиб к
е
лади.

10. **Кунлик маълум вақтда бурун билан корин қисмига нафас олиб, огиз билан чикариш.** Бу

амалиёт тиловат вақтида овозни идора қилиш кўникмасини оширади.

Юқорида айтиб ўтилган маълумотлар тажриба ва турли мулохазалар натижасидир. Энг олий натижани Аллох беради. Юқоридаги сабабларни қилиш билан биргаликда энг асосий сабаб сифатида Аллох таолодан гўзал овоз сўраб дуо қилиш ни унутмаслик

керак.

Интернет маълумотлари асосида

Тошкент Ислон институти

1-боскич талабаси

Салохиддин Курбонов тайёрлади.